

Самарада “Ҳалол” халқаро куни нишонланади

HALAL ХАЛЯЛЬ

14:00 / 23.01.2019 1558

Самара вилояти ҳокимияти матбуот хизмати тарқатган хабарда айтилишича, анъанавий “Ҳалол” халқаро кунининг навбатдаги олтинчи босқичи Самара вилоятида бўлиб ўтади.

Ҳозирда тадбирни юксак даражада ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Тадбир Самара вилояти ҳокимлиги, United World Halal Development ва Халқаро ислом бизнеси ассоциацияси томонидан ташкил этилади. Маълум бўлишича, форум доирасида иқтисодий саммит, ҳалол маҳсулотлар кўргазмаси ва мастер-класслар ўтказилади.

Халқаро тадбирга 27 давлатдан меҳмонлар, РФ фаолият юритаётган йирик банклар, Ислом ривожланиш банки, Дубай ислом банки ва бошқа қатор молиявий компаниялар таклиф этилади. Хабарда айтилишича, тадбир доирасида Халқаро “Ҳалол” кунига бағишланган “Россия – ҳамкорликнинг кафолати” халқаро инвестиция-иқтисодий саммити ҳам ўтказилади.

Islom.uz